

**«ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ» ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВА КАМОЛАХОН БАҲОДИРОВНА

**ПАВЛОВНИЯ ДАРАХТИ ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ҲАМДА
КРАХМАЛЛАРНИНГ КАРБОКСИМЕТИЛЛИ ҲОСИЛАЛАРИДАН
АЙРИМ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР ВА КАМ ТОННАЖЛИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАР
ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИСINI ЯРАТИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРЛИК (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктор философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Каримова Камолахон Баходировна

Павловния дарахти целлюлозаси ҳамда крахмалларнинг карбоксиметилли ҳосилаларидан айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишнинг инновацион технологиясини яратиш3

Каримова Камолахон Баходировна

Создание инновационной технологии получения композиционных материалов и малотоннажных органических соединений для ряда отраслей промышленности из целлюлозы павловского дерева и карбоксиметилпроизводных крахмалов21

Karimova Kamolahon Bahodirovna

Creation of an innovative technology for the production of composite materials and low-tonnage organic compounds for a number of industries from Pavlova wood cellulose and carboxymethyl derivatives of starches39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**«ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ» ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

КАРИМОВА КАМОЛАХОН БАҲОДИРОВНА

**ПАВЛОВНИЯ ДАРАХТИ ЦЕЛЛЮЛОЗАСИ ҲАМДА
КРАХМАЛЛАРНИНГ КАРБОКСИМЕТИЛЛИ ҲОСИЛАЛАРИДАН
АЙРИМ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ УЧУН КОМПОЗИЦИОН
МАТЕРИАЛЛАР ВА КАМ ТОННАЖЛИ ОРГАНИК БИРИКМАЛАР
ОЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРЛИК (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Т3028 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент инновацион кимёвий технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг (www.tersu.uz) ҳамда «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Муродов Музаффар Мурадович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
техника фанлари доктори, профессор

Холиқова Севара Джасуровна
техника фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.23/30.07.2022.К/Т. 150.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___»_____2023 йил соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100104, Тошкент шаҳар, Бешқўрғон кўчаси, 10 уй. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71 , e-mail::tiktitimm@gmail.com).

Диссертацияси билан Тошкент инновацион кимёвий технология илмий тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100104, Тошкент шаҳар, Бешқўрғон кўчаси, 10 уй. Тел.: (99890) 317-72-77, факс:(99895) 515-77-71, e-mail: tiktitimm@gmail.com

Диссертация автореферати 2023 йил «___»_____ кунни тарқатилган.
(2023 йил «___»_____даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.Машарипов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

Н.Ф.Юсупова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

А.С.Сиддиқов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда органик моддалар ва улар асосидаги модификацияланган – композит полимер материалларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда турли соҳа тармоқларида, жумладан, фармацевтика, парфюмерия, озик-овқат, қурилиш, нефтгаз саноати, тоғ металлургия қимматбаҳо рудаларни ўзлаштириш, тўқимачилик каби соҳа тармоқларида органик моддалар ва улар асосидаги маҳсулотлар улуши асосий хом ашё сифатида мураккаб эфирларини олиш технологиясини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда бир ва кўп йиллик ўсимликлар, шунингдек, турли саноат корхоналарининг толали чиқиндиларидан кимёвий қайта ишлашга яроқли целлюлоза олиш, унинг янги ҳосилаларини синтез қилиш ва физик-кимёвий хоссаларини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада целлюлоза ва унинг асосидаги органик моддалар, оддий ва мураккаб эфирларни экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи модификацияланган композицион полимер материаллар олиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этиш, органик эритувчилар таъсирига барқарор бўлган маҳсулотлар олиш технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноати соҳасини ривожлантириш мақсадида замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги органик материаллар, хусусан, целлюлоза ва унинг эфирлари асосида комплекс хоссаларга эга бўлган қимматли маҳсулотлар олиш бўйича маълум илмий ҳамда амалий натижаларга эришилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга эришилган, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, бир ва кўп йиллик маҳаллий ўсимликлар, шунингдек, турли саноат корхоналарининг толали чиқиндиларидан целлюлоза ҳосилалари олинган. Шу боис ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш соҳасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулот ва технологияларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш»¹га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хом ашёлар асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сонли «Мамлакатимиз иқтисодий тармоқларини зарур маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тўғрисида» ПҚ-3983 сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислох қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4265-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертациянинг тадқиқот натижалари муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Маҳаллий хом ашёлардан кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган органик моддалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш, хусусан, кимёвий ишлашга яроқли бўлган целлюлоза олишнинг сульфидли, сульфатли, натронли усуллари ва унинг маҳсулотларини олиш даврида объект таркибидаги полимернинг макромолекулаларининг элементар ҳалқаларининг турли деструктив усуллари тадқиқоти, целлюлозанинг кимёвий ишловларга хос бўлган синтез шароитлари – сульфидли, сульфатли, натронли каби усулларда табиий полимернинг олиниши ва унинг хоссалари, макромолекула таркибидаги элементар ҳалқаларга турли органик моддалар модификациясига боғлиқ бўлган кимёвий жараёнлар, адабиётлар таҳлил қилинганда шу нарса маълум бўлдики, бир қатор олимлар: Н.И.Никитин, В.Я.Бытенский, Е.Л.Кузнецова, Г.А.Петропавловский, З.А.Роговин, Н.И.Кленкова, Н.Н.Шоригина, Е.П.Широков, Г.П.Немцова, В.Н.Кряжев, М.П.Козлов, Д.М.Фляте, А.В.Оболенская, З.П.Ельницкая, А.А.Леонович, Ю.Миронов, В.Н.Голубев, И.В.Волкова, Х.Н.Кумаланов, Х.У.Усмонов, Т.М.Миркомиллов, Т.Ю.Тошпўлатов, Г.В.Никонович, К.Х.Розиков, М.М.Муродов, Ш.М.Миркомиллов, А.С.Сидиков ва бошқалар ушбу соҳани анча ривожлантирдилар.

Ушбу тадқиқот ишида маҳаллий хом ашё пахта тозалаш корхоналарнинг толали чиқиндиси – бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар «Павловния» дарахтининг маҳаллийлаштирилган навлари, банан ўсимлиги каби мавжуд ресурсларни кимёвий қайта ишлаш йўли билан органик моддалар ва модификацияланган – композицион полимер материаллар олиш технологиясини ва ижобий натижаларни саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш муҳим назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент инновацион кимёвий технологиялар илмий тадқиқот институти ҳамда Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИОТ-2015-7-18 «Пахта тозалаш саноати чиқиндилари (линт, угар, улук, циклон момиғи ва бошқа чиқиндилар) асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган турли маркалардаги целлюлоза олиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2015-2016 йй.), А-12-23 «Таркибида целлюлоза сақловчи саноат корхоналарининг толали чиқиндиларидан турли соҳалар учун қоғоз композитлари олиш технологиясини яратиш ва соҳа тармоқларида қўллаш» (2016-2018 йй.), ИОТ 2017-7-6 «Целлюлоза ва маҳаллий хом ашёлар асосида декоратив штакатурка суюқ девор гул қоғозларини олишнинг инновацион технологиясини яратиш ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришга

жорий этиш» (2016-2018 йй.) мавзусидаги инновацион ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади павловния дарахтининг целлюлозаси ҳамда крахмалларнинг карбоксиметилли ҳосилаларидан айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишнинг инновацион технологисини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хом ашёлар – пахта тозалаш корхоналарининг толали чиқиндилари ҳамда павловния дарахти ва банан поялари асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли целлюлоза олиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

олинган целлюлозалар асосида унинг оддий эфири ПАЦ (полианионли целлюлоза) ҳамда юқори қовушқоқликка эга карбоксиметилли хоссаларини аниқлаш;

техник ПАЦ асосида юқори тозалikka эга бўлган кам тоннажли маҳсулот – Н-ПАЦ (Е-466) реагентини ажратиб олиш ҳамда унинг сифат кўрсаткичларини синтез қилиш;

олинган техник ПАЦ ҳамда Н-ПАЦ (Е-466) реагентларини айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишда асосий ҳамда модификациялашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

Павловния дарахти целлюлозаси ҳамда крахмалларнинг карбоксиметилли ҳосилаларидан айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишнинг инновацион технологиясининг принципиал схемасини яратиш босқичларини амалга ошириш, ишлаб чиқиш ҳамда техник иқтисодий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пахта тозалаш корхоналарининг ҳамда тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндилари, бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар – «Павловния» дарахтининг маҳаллийлаштирилган навлари, банан ўсимлиги каби хом ашёларни кимёвий қайта ишлаш йўли билан олинган целлюлозалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети таркибида целлюлоза сақловчи хом ашёларни пишириш жараёни, олинган техник ПАЦ ҳамда Н-ПАЦ (Е-466) препаратларини айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишда асосий ҳамда ёрдамчи хом ашё аралашмаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда табиий полимер асосида олинган органик моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва кимёвий тузилиши, рентгенфазали ва ИҚ-спектр ёрдамида ўрганилган ҳамда препаратларнинг таркибий технологик хоссаларини (бўкувчанлик, полимерланиш даражаси, асосий модда миқдори, алмашилиш даражаси, қовушқоқлиги ва б.) аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

илк бор маҳаллий хом ашё – павловния дарахти таркибидан қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлозанинг бир нечта маркалари ажратиб олинган ва уларнинг кимёвий қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

олинган целлюлозалар асосида унинг оддий эфири ПАЦ (полианионли

целлюлоза) ҳамда юқори қовушқоқликка эга карбоксиметилли физик-кимевий ҳамда механик хоссалари аниқланган;

техник ПАЦ асосида юқори тозалikka эга бўлган кам тоннажли маҳсулот – Н-ПАЦ (Е-466) реагенти ажратиб, унинг физик-кимевий хоссалари далилланган;

олинган техник ПАЦ ҳамда Н-ПАЦ (Е-466) препаратларини айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишда асосий ҳамда ёрдамчи хом ашё олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат;

маҳаллий хом ашёлар – пахта тозалаш корхоналарининг ҳамда тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндилари, бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар – «Павловния» дарахтининг маҳаллийлаштирилган навлари, банан ўсимлиги каби хом ашёларни кимевий қайта ишланган ва натижада целлюлозанинг карбоксиметилли эфири (Е-466) олинган;

полианионли целлюлоза олишда ишқорнинг юқори концентрацияли эритмалари ёрдамида мерсерлаш жараёнининг мақбул шароити аниқланган;

олинган целлюлозанинг карбоксиметилли эфири (Е-466) турли мақсадлар учун, яъни кир ювиш кукуни таркибга, фармацевтика соҳасида стабилловчи реагент, халқ хўжалигининг кўплаб соҳа тармоқларида пласификатор, эмулгатор сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган;

павловния дарахти целлюлозаси асосида олинган КМС ҳамда ПАС бурғулаш қоришмалари учун асосий стабилизатор ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бир қанча тадқиқ ва таҳлиллар натижасида олинган илмий натижалар ҳамда хулосаларнинг ишончлилиги назарий ва кўплаб амалий натижаларнинг мутаносиблиги, физик-кимевий усуллар ёрдамида исботланиши билан изоҳланади. Тажриба натижаларининг таҳлили асосида хулосалар қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таркибида целлюлоза сақловчи маҳаллий хом ашёлар асосида органик моддалар ва модефикацияланган – композицион полимер материаллар олиш технологиясини яратишнинг илмий асосини кўрсатиб бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, таркибида целлюлоза сақлаган хом ашёлардан табиий полимер синтези ва улар асосидаги органик моддалар, целлюлозанинг оддий эфирлари, модефикацияланган – композид ҳолига келтирилган – ҳам хом ашё, ҳам тайёр маҳсулот сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хом ашёлар – пахта тозалаш корхоналарининг ҳамда тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндилари, бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар – «Павловния» дарахтининг маҳаллийлаштирилган навлари, банан ўсимлиги каби хом ашёларни кимевий қайта ишлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маҳаллий хом ашёлар – пахта тозалаш корхоналарининг ҳамда тўқимачилик корхоналарининг толали чиқиндилари, бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар – «Павловния» дарахтининг маҳаллийлаштирилган навлари, банан ўсимлиги асосида кимевий қайта ишлашга яроқли турли маркали целлюлозалар олиш

технологияси «Карбонам» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Гиссарнефтваз» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг 2022 йил 22 ноябрдаги 724-01/11-сонли маълумотномаси). Натижалар маҳаллий хом ашёлар асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли целлюлоза олиш имконини берган;

маҳаллий хом ашёлардан олинган кимёвий қайта ишлашга яроқли павловния дарахти таркибидан олинган целлюлоза асосида бурғулаш қоришмалари учун асосий реагент – стабилизатор (КМЦ, ПАЦ) олиш усули «Карбонам» МЧЖда амалиётга жорий қилинган («Гиссарнефтваз» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг 2022 йил 22 ноябрдаги 724-01/11-сонли маълумотномаси). Натижалар пахта линтидан бурғулаш эритмалари учун стабилизатор сифатида ишлатиладиган полианионли целлюлоза олишга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 8 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.

Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш иш чоп этилган, шулардан, 1 монография, Ўзбекистон Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 9 та хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги ҳамда илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Таркибида органик моддалар ва модификацияланган – композицион полимер материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг халқ хўжалигининг турли соҳа тармоқларида қўлланилиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари**» деб номланган биринчи бобида халқ хўжалигининг турли соҳа тармоқлари учун зарур хом ашё саналган целлюлоза ва унинг оддий ҳамда мураккаб эфирларини ва улар асосидаги органик – композит маҳсулотларини олиш ҳамда маиший кимёнинг мавжуд тармоқларида қўллаш, целлюлозанинг оддий эфирлари олишда хомашё сифатида кенг миқёсда фойдаланиш истиқболлари илмий изланишлар бўйича адабиётлар тўлиқ таҳлил қилинди, ўрганилди.

Диссертациянинг «Тадқиқот объекти ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган материалларнинг хусусиятлари, тадқиқот усуллари ёритилган. Павловния целлюлозаси ҳамда пахта тозалаш корхоналарининг толали чиқиндилари асосидаги целлюлозалар ва ҳар иккала объектнинг тадқиқот давомида улардан олинган органик моддалар ҳамда улар асосидаги композит материалларнинг айрим сифат кўрсаткичлари юқоридаги тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланган.

«Маҳаллий хом ашёлар – пахта тозалаш корхоналарининг толали чиқиндилари ҳамда павловния дарахти ва банан поялари асосида олинган юқори тозаликдаги целлюлоза маркаларидан н-пац (е-466) олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш»га бағишланган учинчи бобида пахта тозалаш корхоналарида ажралиб чиққан турли кўринишдаги толали чиқиндиларидан целлюлозанинг бир нечта маркаларининг синтези ҳамда параметрлар таъсиридаги тадқиқотлар натижасида олинган оптимал шароитлар таҳлили ва павловния дарахти ҳамда банан поясидаги целлюлоза олиш жараёнларини ўрганиш ва солиштирма характеристикасини турли босқичлар ёрдамида таҳлил қилиш ўрганилди.

Дастлаб толани чиқиндидан механик тозалаш жараёни амалга оширилди, сўнгра ишқорни (NaOH) турли эритмаларда қайнатиш жараёни олиб борилди. Толани пишириш жараёнида турли параметрларнинг таъсири бир-бирига параллел равишда ўрганилди. Бундай параметрлардан ишқор концентрацияси, қайнатиш вақти ҳамда қайнатиш температуралари тадқиқ этилди. Қуйида ПТКТЧларини механик тозалашдан сўнг кимёвий қайта ишланганда ҳосил бўлган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал

ПТКТЧни механик тозалашдан сўнг кимёвий қайта ишланганда ҳосил бўлган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари (ишқор концентрацияси таъсирида)

NaOH конц-си, г/л	Қайнатиш вақти, мин	Қайнатиш темпе-си	Целл-за унуми, %	α-целл-за, %	ПД	Кул миқ-ри, %	Бўкув-чанлик, %
Пахта момиғи-ПМ (линг)							
10	120	98-100	82	86,3	1550	1,7	70
20	120	98-100	91	93,1	1460	1,0	124
30	120	98-100	94	97,7	1280	0,2	155
40	120	98-100	96	97,6	1180	0,2	150
Улюк аралашган -ПУ(улюк) чиқинди							
10	120	98-100	72	86,3	720	2,5	90
20	120	98-100	93	93,1	710	1,2	150
30	120	98-100	94	95,7	510	0,6	152
40	120	98-100	93	97,2	470	0,3	150
Пахтанинг калта момиғи -ПКМ (пух) аралашган чиқинди							
10	120	98-100	94	92,8	770	0,7	90
20	120	98-100	91	93,0	660	0,6	124
30	120	98-100	87	92,9	540	0,4	141
40	120	98-100	86	93,2	490	0,5	152

Жадвалдан кузатиш мумкинки, ҳар хил ишқор концентрациясининг таъсирида ҳосил бўлаётган целлюлозанинг айрим хоссалари турлича кўрсаткичларга эга бўлади ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда ПТКТЧнинг ҳар бири учун ишқор концентрациясининг оптимал қиймати аниқланди. Ишқор концентрациясининг ошиб бориши макромолекула таркибидаги элементар звеноларнинг парчаланишига, яъни деструкцияга учрашига олиб келади. Аксинча, α -целлюлоза микдорининг ошишига мойиллик билдиради. Бунга кўра, Пахта момиғи – ПМ (линт) учун 30 г/л, улюк аралашган – ПУ (улюк) чиқинди учун 20 г/л ҳамда Пахтанинг калта момиғи – ПКМ (пух) аралашган чиқиндиси учун эса 10 г/л концентрацияга эга бўлган NaOH концентрацияси оптимал этиб олинди.

2-жадвал

ПТКТЧни механик тозалашдан сўнг кимёвий қайта ишланганда ҳосил бўлган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари (қайнатиш вақтининг таъсири)

NaOH конц-си, г/л	Қайнатиш вақти, мин	Қайнатиш темпе-си	Целл-за унуми, %	α -целл-за, %	ПД	Кул мик-ри, %	Бўкув-чанлик, %
Пахта момиғи-ПМ (линт)							
30	60	98-100	82	86,3	1550	1,7	70
30	120	98-100	91	93,1	1460	1,0	124
30	180	98-100	94	97,7	1280	0,2	155
30	240	98-100	96	97,6	1180	0,2	150
Улюк аралашган -ПУ (улюк) чиқинди							
20	60	98-100	72	86,3	720	2,5	145
20	120	98-100	93	93,1	710	1,2	150
20	180	98-100	94	95,7	510	0,6	152
20	240	98-100	93	97,2	470	0,3	150
Пахтанинг калта момиғи -ПКМ (пух) аралашган чиқинди							
10	60	98-100	94	92,8	770	0,7	150
10	120	98-100	91	93,0	660	0,6	152
10	180	98-100	87	92,9	540	0,4	155
10	240	98-100	86	93,2	490	0,5	150

Жадвалдан кузатиш мумкинки, турли қайнатиш вақтининг жараёнга таъсири, ҳосил бўлаётган целлюлозанинг айрим хоссалари турлича кўрсаткичларга эга бўлади ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда ПТКТЧнинг ҳар бири учун қайнатиш вақтининг оптимал қиймати аниқланди.

Республикада ҳунармандчилик, қурилиш материаллари, ёғоч ва ёғоч қириндили хом ашё ишлаб чиқаришни ривожлантириш, мебель саноатида ёғоч маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, импорт ҳажмини кескин камайтириш, шунингдек, аҳолининг муқобил энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада тез ўсувчи ва саноатбоп Павловния дарахти плантацияларини барпо қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 27 августдаги 520-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур диссертация тадқиқотида ҳам йиллар давомида Павловния дарахти поялари асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлозанинг айрим маркаларини синтез қилиш устида тадқиқотлар амалга

ошириб келинмоқда.

Маълумки, целлюлозанинг синтези даврида турли кимёвий жараёнлардан фойдаланилади. Ушбу тадқиқотда натронли усулдан фойдаланилди. Чунки Павловния дарахтининг юмшоқ ва майин структураси целлюлоза ажратиш олиш жараёнида 2-3 босқичли кетма-кетликни талаб этмайди. Татқиқот даврида Павловния дарахтининг турли йилларга мансуб бўлган намуналаридан параллел равишда целлюлоза синтези амалга оширилди, яъни автоклавда юқори босим остида ҳамда 95-100⁰С да гидролиз жараёни билан делегнефикация жараёни амалга оширилди. Целлюлоза синтези жараёнида Павловния дарахтининг 2, 4 ҳамда 18 йиллик умрга тенг баланс – пояларидан пайраҳа кўринишга келтириб фойдаланилди.

3-жадвал

Турли йилларда етиштирилган «Павловния» дарахти пайраҳаларидан олинган целлюлозанинг сифат-кўрсаткичлари NaOH концентрациясининг таъсири (0,5-2,0% ли HNO₃ 30 дақиқа 98-100⁰С гидролиз)

№	Кўрсаткичлар	Кимёвий реагентлар сарфи		Целлюлоза унуми, %	Кул микдори, %	*ПД	Оқлик даражаси, %
		HNO ₃ , %	NaOH, г/л				
1	Павловния 2 йиллик	0,5	25	72	6,4	-	-
		1,0	30	64	4,3	1280	66,73
		1,5	35	62	4,0	1150	67,02
		2,0	40	56	3,8	980	69,24
2	Павловния 4 йиллик	0,5	25	69	5,3	-	-
		1,0	30	66	4,1	1270	65,21
		1,5	35	61	4,0	1090	67,02
		2,0	40	55	3,8	950	68,94
3	Павловния 6 йиллик	0,5	25	67	5,6	-	-
		1,0	30	65	3,9	1320	68,10
		1,5	35	60	3,7	1010	69,01
		2,0	40	51	3,1	870	69,98
4	Павловния 18 йиллик	0,5	25	64	4,7	1260	65,94
		1,0	30	56	3,7	820	70,02
		1,5	35	51	4,8	740	70,82
		2,0	40	48	5,4	640	72,30

*ПД – полимерланиш даражаси.

4-жадвалдан кўриш мумкинки, Павловния дарахтининг турли йиллардаги дарахтларининг пояларидан олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари деярли фарқ қилмайди. Аксинча, Павловния дарахти структурасининг юмшоқ – ғоваклиги ундан кислотали гидролиз қилиш ҳисобига кам кимёвий реагентлар ҳамда электр энергияни тежаш ҳисобига делегнефикация жараёнлари осон кечди. Жадвалда келтирилган сифат кўрсаткичларидан шуни кузатиш мумкинки, целлюлозанинг реакцион қобилиятининг юқорилиги ундан кимёвий қайта ишлаш учун, яъни унинг оддий ва мураккаб эфирларини олишда қўл келиши маълум бўлади.

Республикада ривожланиб бораётган бананчилик соҳасида турли

механик ишловлар ҳамда вегетация даврининг сўнгги босқичларида ҳосил бўладиган кераксиз банан пояларини кимёвий қайта ишлаш йўли билан таркибидан клетчатка ва целлюлоза синтез шароитларини ўрганган ҳолда мавжуд соҳалар учун керакли бўлган органик моддалар ҳамда улар асосида маҳсулотлар олишнинг амалий тадқиқотлари олиб борилди ва таҳлил остига олинди. Клетчаткаларни етарлича истеъмол қилмаслик нафақат овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятига, балки бутун организм фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Банан устида олиб борилган тадқиқотлар айнан Андижон вилоятида Туркиянинг «Asiy modern serachilik» компанияси билан ҳамкорликда барпо этилган гидропоника иссиқхоналарида етиштирилган банан мевали дарахтининг поялари устида амалга оширилган. Ҳосил бўлаётган банан целлюлозасининг айрим сифат кўрсаткичларига турли параметрларнинг таъсири, жумладан, қайнатиш вақти, ишқор (NaOH) концентрациялари таъсири ўрганилди. Қуйидаги жадвалда ишқорий қайнатиш вақтининг таъсири келтирилган.

4-жадвал

Банан пояси асосидаги целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига ишқорий қайнатиш вақтининг таъсири келтирилган (98-100°C)

№	Ишқорий қайнатиш		Яримтайёр маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари					
	NaOH конц-си, г/л	Вақт, дақиқа	Унум, %	α-цел-за, %	Геми-Целлюлоза, %	ПД*	Оқлик даражаси, %	Кул миқ-и, %
1	60	30	-	-	-	-	-	-
2	60	60	-	-	-	-	-	-
3	60	120	-	-	-	-	-	-
4	60	180	57,1	-	-	-	59	7,4
5	60	240	56,8	-	-	-	61	6,2
6	60	300	53,3	76,7	17,5	1350	63	5,1
7	60	360	49,8	81,1	12,1	1270	67	4,6
8	60	420	48,2	91,2	8,7	1210	72	2,8
9	60	480	42,7	92,9	5,9	960	78	2,1
10	60	540	31,2	93,6	1,7	780	80	1,7

ПД* – полимерланиш даражаси.


Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ишқорий қайта ишлаш вақтининг ошиб бориши банан поялари асосида ажратиб олинаётган клетчатканинг айрим сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатмоқда, яъни ишқорий қайнатиш вақтининг ошиб бориши натижасида целлюлозанинг унуми 48,2 %, α-целлюлоза 91,2 %, ПД 1210ни ташкил этмоқда. Ишқорий қайнатиш вақтининг оптимал режими сифатида 420 дақиқа танлаб олинди. Оптимал режим: 60 г/л, ишқорий қайнатиш вақти 420 дақиқа, унум 48,2, α-целлюлоза 91,2 %, ПД 1210, оқлик даражаси 78 %, кул миқдори 2,8 %.

Павловния дарахтидан целлюлоза ажратиб олиш жараёнида HNO_3 эритмасининг турли концентрацияларида гидролиз жараёнининг олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди.

Қуйида келтирилган 1-расмда 0,5 %ли HNO_3 эритмасида 30 дақиқа 95-

100⁰С ҳароратда гидролиз натижасида, ишқорий пишириш жараёни 40г/л NaOH концентрациясида 240 дақиқа вақт оралиғида ажратиб олинган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари келтирилган. HNO₃ 0,5 %ли эритмасида ишқорий пиширишдан олдинги гидролиз жараёни махсус гидропулперларда, яъни гидро аралаштиргичларда олиб борилган. Бунда нафақат гидролиз жараёни кислота иштирокида ҳарорат остида олиб борилган, балки бир вақтнинг ўзида интенсив гидро аралаштиргичда ҳам механик парчалаш, ҳам параллел равишда олиб борилгани делегнификация жараёнининг тезлашишга имкон берди.


Бунда 0,5 %ли HNO₃ эритмасида гидротитгич мосламаси орқали интенсив гидролиз жараёнидан сўнгги ишқорий пишириш натижасида ажратиб олинган целлюлозанинг чиқиш унуми 51 %, оқлик даражаси 72 %, полимерланиш даражаси 900, бўқувчанлик 90, кул миқдори эса 4,3 %ни ташкил этмоқда.



1-расм: 0,5 %ли HNO₃ эритмасида 30 дақиқа 95-100⁰С ҳароратда гидролиз натижасида, ишқорий пишириш жараёни 40г/л NaOH концентрациясида 240 дақиқа вақт оралиғида ажратиб олинган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари.

Кейинги 2-расмда 1,0 %ли HNO₃ эритмасида 30 дақиқа 95-100⁰С ҳароратда гидролиз натижасида, ишқорий пишириш жараёни 40г/л NaOH концентрациясида 240 дақиқа вақт оралиғида ажратиб олинган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари келтирилган. HNO₃ 1,0 %ли эритмасида ишқорий пиширишдан олдинги гидролиз жараёни махсус мосламаларда олиб борилган. Мақсад ишқорий пишириш даврида катта босим сарфини кескин камайтириш ва делегнификация жараёнини гидротитгичлар ёрдамида парчалаш йўли билан ижобий томонга силжитиш саналади.

Бунда 1,0 %ли HNO₃ эритмасида гидротитгич мосламаси орқали интенсив гидролиз жараёнидан сўнгги ишқорий пишириш натижасида ажратиб олинган целлюлозанинг чиқиш унуми 56 %, оқлик даражаси 73 %, полимерланиш даражаси 850, бўқувчанлик 130, кул миқдори эса 3,1 %ни ташкил этмоқда.



2-расм: 1,0 %ли HNO₃ эритмасида 30 дақиқа 95-100⁰С ҳароратда гидролиз натижасида, ишқорий пишириш жараёни 40г/л NaOH концентрациясида 240 дақиқа вақт оралиғида ажратиб олинган целлюлозанинг айрим сифат кўрсаткичлари.

Павловния дарахтининг иккиламчи маҳсулотларидан целлюлоза ажратиб олиш жараёнида кислотали гидролизнинг ўрни муҳим саналади. Адабиётлардан маълумки, дарахт таркибидан целлюлозани ажратиб олиш жараёнлари бир нечта оғир босқичларни ўзи ичига олади. Энг асосийси катта босим остида (6-8-11атм) 2-4 босқичли – сульфатли, сульфитли каби ўнлаб мураккаб жараёнлар амалга оширилади. Юқорида маҳаллий хом ашё павловния дарахти устида амалга оширилган целлюлоза олиш жараёнида кислотали гидролиз усулининг қўлланилиши, тақидлаб ўтилган мураккаб жараёнларга, айниқса, катта босим остида целлюлозани ажратиб олиш жараёнларига барҳам беради. 1-2-расмларда келтирилган HNO₃ эритмаси концентрациясининг ошириши ажралиб чиқаётган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этмоқда, яъни HNO₃ эритмаси концентрациясининг 0,5 %дан 2,0 %га ошириб борилиши, целлюлозанинг кул миқдорининг кескин ижобий томонга силжишига, оклик даражасининг кескин ошишига, яъни делегнификация – лигнинсизлантириш босқичларининг фаоллашувига, полимернинг б'юкувчанлигининг кескин ошишига олиб келса, аксинча, целлюлозанинг полимерланиш даражасига ҳамда чиқиш унумига салбий таъсир кўрсатканлигини кузатиш мумкин.

Ушбу бўлимда пахта тозалаш корхоналарининг толали чиқиндилари ҳамда павловния дарахти ва банан поялари асосида олинган целлюлозалардан, фармацевтика ва медицина соҳалари учун юқори тозалikka эга Н-ПАЦ (Е-466)нинг бир нечта маркаларини олиш тадқиқотлари амалга оширилган.


Тозаланган КМЦнинг техникаси жараёни қуйидагича босқичларни ўз ичига олади: Маҳсулот ва эритмаларни тайёрлаш; Экстракция; Сиқиш ва титиш; Тозаланган Na-КМЦни қуритиш; Майдалаш; Тайёр маҳсулотни қадоқлаш; Ишлатилган эритмани тозалаш.

Технологик жараённинг асосий вазифаси Na-КМЦ таркибидаги қўшимча бирикмаларни экстракция йўли билан этил спиртининг сувли эритмасини тозалаш, яъни узлукли пихозлар ёрдамида экстракцияга ва КМЦ қуритиш ҳамда узлуксиз механизм ёрдамида ишлатилган жиҳозларда тайёр маҳсулотни сиқиб чиқишдан иборат. Тозаланган Na-КМЦ ўзида целлюлоза гликолий кислотанинг натрийли тузини намоён этади.

Тозаланган Na-КМЦ кукун кўринишидаги ёки тола кўринишидаги маҳсулот бўлиб, унинг ранги маҳсулотнинг маркасига қараб оқ сариқ ва тиниқ жигарранг кўринишида бўлади. Тозаланган Na-КМЦ сувда 40 %ли этанолнинг сувли эритмасида ҳамда ацетонда яхши эрийди. Бошқа турдаги органик эритувчиларда эрмайди. Тозаланган Na-КМЦ нинг барча сифат кўрсаткичлари белгиланган ТУ 6-55-39-90 ва Тс 22235949-003:2015 («КАРБОНАМ» талаб этилган ишлаб чиқаришдаги ички Тс) талабларига мос бўлиши лозим. Илмий ишнинг дастлабки босқичида Na-КМЦ, ПТКТЧ, Павловния ва банан целлюлозалари асосида синтез жараёнлари амалга оширилди.

Адабиётлардан маълумки, Na-КМЦ, асосан, целлюлозани мерсерлаш (NaOH), олинган алкалий целлюлозага натрий монохлор ацетат реанти билан алкиллаш жараёни ва сўнгги босқич этилтириш (дозревания) жараёнларини ўз ичига олади. Қуйида Na-КМЦ олиш жараёни ва унинг асосида фармацевтика ва медицина соҳалари учун юқори тозалikka эга Н-ПАЦ (Е-466)нинг бир нечта маркаларини олиш технологиясининг принципиал технологик схемаси келтирилган.

Павловния дарахти целлюлозаси ҳамда крахмалларнинг карбоксиметилли хосилаларидан айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишнинг яратилган инновацион технологиясининг принципиал схемаси



3-расм. 1-Павловния дарахти ва унинг иккиламчи маҳсулотлари, 2-павловния пайраҳаси, 3-гидромайдалагич (пулпер), 3-1- HNO_3 (нитрат кислота) эритмасини тайёрлайдиган сиғим, 4-целлюлоза пишириш қозони, 4-1-ишқорий лигнинни йиғувчи агрегатли сиғимлар тўплами, 5-ишқорий целлюлозани сиқиб олувчи центрифуга, 6-моноаппарат, 7- NaOH (ўювчи ишқор) эритмасини тайёрлайдиган сиғим, 8- $\text{CH}_2\text{ClCOONa}$ (натрий монохлор ацетат) сақланувчи сиғим, 9-ярим тайёр маҳсулотни тушириб олувчи ротор айланмали мослама, 10-1-этил спирти сақловчи сиғим, 10-спиртли экстракция бўлими, 10-2-этил спирти тайёрловчи сиғим, 11-ажратиб олинган маҳсулотни сиқиб мосламаси – центрифуга, 12-йиғувчи сиғим, 13-қуритиш агрегати, 14-тайёр маҳсулотни майдалаш тегирмон, 15-тайёр маҳсулот.

5-жадвал

Ҳозирда ишлаб чиқаришда мавжуд технология асосида ҳамда «INNO-CELL-MONO» усулида олинган Na-КМЦ намуналарининг айрим физик-кимёвий кўрсаткичлари

Na-КМЦ намуналари	Na-КМЦнинг кўрсаткичлари						
	Намлик миқдори, %	Карбоксил гуруҳлари билан ўрин алмашиш даражаси	Асосий модда миқдори, %	2 %ли сувли эритманинг динамик қовушқоқлиги, мПас	Сувда эрувчанлиги, %	pH	ПД
ПТКТЧ целлюлозаси асосидаги Na-КМЦ							
1*	11	81	45	109,3	97,2	12	420
2+	7	85	50	140,4	98,7	9	600
Павловния дарахти целлюлозаси асосидаги Na-КМЦ							
1*	10	82	50	98,6	97,8	12	360
2+	8	85	55	124,2	98,8	9	550
Банан пояси целлюлозаси асосидаги Na-КМЦ							
1*	11	82	52	120,2	97,9	12	500
2+	9	85	55	168,2	98,8	8	650

1* -Ҳозирда ишлаб чиқаришда мавжуд технология асосида олинган КМЦнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари.

2+ -«INNO-CELL-MONO» усулида олинган КМЦнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари.


Жадвалдан кўриш мумкинки, ҳозирда ишлаб чиқаришда мавжуд технология асосида ҳамда «Inno-cell-mono» усулида олинган КМЦ намуналарининг физик-кимёвий кўрсаткичлари орасида сезиларли даражада фарқ катта. Чунки таклиф этилаётган технологиянинг бошқа турдаги аналогларидан фарқи, алкали целлюлоза ҳосил бўлиши жараёнида «Моноаппарат» конструкциясининг интенсифлашиши, яъни 120 дан 240 об/минга ошириш ҳисобига турли кимёвий ва механик деструктив жараёнларнинг кескин қисқариши ҳамда ҳосил бўлаётган маҳсулотнинг ва алкалий целлюлоза макромолекуласи таркибидаги элементар ҳалқалар деструкциясининг кескин камайиши билан изоҳлаш мумкин.

6-жадвал


Пахта тозалаш корхоналарининг толали чиқиндилари ҳамда павловния дарахти ва банан поялари целлюлозалари асосида олинган Na-КМЦнинг экстракция вақтининг асосий модда миқдорига таъсири

№	CH ₃ -CH ₂ -OH Этил спирт, C ⁰	Пахта ТКТЧ целлюлозаси асосида олинган Na-КМЦ		Павловния дарахти целлюлозаси асосида олинган Na-КМЦ		Банан пояси целлюлозаси асосида олинган Na-КМЦ	
		Дастлабки асосий модда миқдори, 50 %		Дастлабки асосий модда миқдори, 55 %		Дастлабки асосий модда миқдори, 55 %	
		Экстракция вақти, дақиқа	Асосий модда миқдори, %	Экстракция вақти, дақиқа	Асосий модда миқдори, %	Экстракция вақти, дақиқа	Асосий модда миқдори, %
1	55	10	56	10	77	10	78
2	55	20	66	20	86	20	89
3	55	30	75	30	97	30	98
4	55	40	86	40	98	40	98
5	55	50	89	50	98	50	99
6	55	60	96	60	99	60	99
7	55	70	98	70	98	70	98

Жадвалда берилган экстракция вақтининг ҳосил бўлаётган Е-466 инновацион маҳсулотнинг асосий модда миқдори таъсири келтирилган бўлиб, унда экстракция вақтининг ошириши, яъни 10 дақиқадан 70 дақиқа вақт оралиғида техник КМЦнинг таркибидаги турли унсурлар – гликолят таркибининг этил спиртининг 55⁰ эритмасида экстракция йўли билан тозаланиши натижасида, ҳар бир объект учун турлича оптимал параметрларга эга бўлинди. Жумладан, ПТКТЧ целлюлозаси асосида олинган Н-ПАЦ (Е-466) инновацион маҳсулот учун экстракция вақти 60 дақиқа, павловния дарахти целлюлозаси асосида экстракция вақти 40 дақиқа ҳамда банан ўсимлиги целлюлозаси асосида олинган Н-ПАЦ (Е-466) инновацион маҳсулотнинг экстракция вақти 30 дақиқа оптимал параметр сифатида аниқланди ва белгиланди. ПТКТЧ асосидаги маҳсулотнинг экстракция вақтининг павловния ҳамда банан целлюлозалари асосида олинган маҳсулотларига нисбатан юқорилиги, пахта толасининг толалари бетартиб, тўп-тўп чигал уринишдалигидадир. Чунки экстракция даврида айнан шундай толаларининг таркибида чигал қисмларида жойлашган турли унсур – гликолятларни тола таркибидан чиқариб юбориш жараёни қийин кечишидадир. Аксинча, павловния дарахти ҳамда банан ўсимлиги целлюлозалари асосидаги инновацион маҳсулотнинг экстракция жараёни улардаги толаларини ҳеч қандай чигалликларсиз таркибдаги гликолятлардан тезда қисқа вақт оралиғида халос бўлишини кузатиш мумкин.



4-расм. Техник КМЦнинг ИҚ-спектри.



5-расм. Экстракциядан сўнги этил спиртининг ИҚ-спектри.

4-расмдаги спекторларда қуйидаги поласалар мавжуд, яъни 3750, 3500, 3250, 3000,...1250, 750, 500 cm^{-1} . Бу поласалардан кўриш мумкинки, целлюлозанинг гидроксил гуруҳига карбонил функционал гуруҳ орқали алмашиниш даражаси рўй берган ва қуйи поласалардан ИҚ-спектро чизиқларда реакцияга киришмай қолган гликолятлар мавжудлиги, яъни ташқи фазада эканлиги тасвири келтирилган.

5-расмдаги спекторларда қуйидаги поласалар мавжуд, яъни 3500, 3250, 3000, 2500, 1750, 1250, 750, 500 cm^{-1} . Бу поласалардан ва уларнинг оралиғидаги англай олинадиган поласалардан кузатиш мумкинки, этил спиртида техник КМЦ экстракция қилингандан сўнг турли реакцияга киришмай қолган монохлорацетат, целлюлоза, ўювчи натрий гидрооксиди қолдиқлари, яъни

гликолятлар спирт таркибига ўтиб, КМЦнинг асосий модда миқдори 55 дан 98 фоизгача ошганлигини кузатиш мумкин. Бу эса юқори тозалikka эга бўлган КМЦ препаратидан келгусида турли соҳаларда, жумладан, медицина, парфимерия ҳамда озиқ-овқат саноати учун кенг миқёсда ишлатилишининг имконини беради.

«Маҳаллий хом ашёлар асосида олинган Е-466 синтези даврида модефикацияланган – композит кумуш ионли маркаларидан, маиший кимёнинг мавжуд бир нечта тармоқларида қўллаш»га қаратилган тўртинчи бобда маиший ювиш воситалардаги композит аралашмалар таркибини ўрганиш ва целлюлоза эфирларини ушбу таркибга тадқиқ этиш жараёнлари таҳлил қилинган. Қуйида маҳаллий хом ашёлар асосида олинган кир ювиш кукунининг композит таркиби ишлаб чиқилди, бунга кўра, композит таркибида Е-466 препаратининг юқори алмашилиш даражасига ва юқори асосий модда миқдорига ҳамда юқори қовушқоқликка эга маркасидан фойдаланилган.

7-жадвал

Ишлаб чиқаришда мавжуд ва таклиф этилаётган таркиб асосидаги кир ювиш кукунига тегишли реагентларнинг сарф нормаси

№	Кимёвий реагентлар	Мавжуд таркиб, реагентлар сарф нормаси, кг	Таклиф этилаётган таркиб сарф нормаси, кг
1	Na ₂ CO ₃	20,2	28,8
2	Na ₂ SO ₄	12,2	8,4
3	Na ₂ PO ₄	4,6	4,2
4	LAS-80	7,25	5,4
5	Na ₂ SiO ₃	1,8	-
6	NaCl	0,5	-
7	Na-КМЦ	0,450	0,280 (Е-466)
8	H ₂ O	2,6	2,4
9	Глицерин	1,4	0,5
	Жами	50,0	50,0

Жадвалдан кузатиш мумкинки, ишлаб чиқаришда мавжуд таркибнинг кескин сарф нормаларини қисқартириш ҳисобига ҳамда инновацион маҳсулот – Е-466 ни янги таркибга қўшиш орқали унинг таҳсирида ювилаётган кийим-кечакларни шаффоф ва муссафо тус олишида ижобий натижага эришилганлиги маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Илк бор маҳаллий хомашё – павловния дарахти таркибидан кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлозанинг бир нечта маркалари ажратиб олинди ва республикада целлюлоза захираларини кенгайтириш мақсадида яратилган инновацион лойиҳа ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

2. Олинган целлюлозалар асосида унинг оддий эфири ПАЦ

(полианионли целлюлоза) ҳамда юқори қовушқоқликка эга карбоксиметилли ҳосилаларини олиш тадқиқи, уларнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил этилди ҳамда «INNOVATIVE CHEMICAL TECHNOLOGIES» МЧЖнинг ишлаб чиқариш бўлимида жорий қилинган.

3. Техник ПАЦ асосида юқори тозалikka эга бўлган кам тоннажли маҳсулот – Н-ПАЦ (Е-466) реагентини ажратиб олиш ҳамда унинг сифат кўрсаткичларини таҳлил этиш жараёнлари ижобий яқунланди ва «INNOVATIVE CHEMICAL TECHNOLOGIES» МЧЖ (техник ПАЦ) ҳамда «IMPERY FORTIS FARM» МЧЖ (Н-ПАЦ (Е-466)ларда ишлаб чиқаришга жорий этилган.

4. Олинган техник ПАЦ ҳамда Н-ПАЦ (Е-466) препаратларини айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишда асосий ҳамда ёрдамчи хом ашё сифатида қўлланилган. Илмий тадқиқот иши доирасида Павловния дарахти таркибидан олинган целлюлоза асосида бурғулаш қоришмалари учун асосий реагент – стабилизатор техник КМЦ (карбоксиметилцеллюлоза) ҳамда пахта линти целлюлозаси билан Павловния целлюлозасининг композити асосида ПАЦ (полианионли целлюлоза)нинг юқори молекуляр массага эга бир неча маркаларининг намуналари «Гиссарнефтгаз» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонасининг «Техник назорат бўлими» (ТНБ) қошидаги кимёвий таҳлил лабораториясида газ қувурларини бурғулаш эритмаларини тайёрлашда синовдан ўтказилган (2022 йил 11 ноябрдаги 724-01/11-сонли маълумотномаси).

Тадқиқот натижалари газ қудуқларини бурғулаш эритмаларига КМЦ ҳамда ПАЦларнинг бир неча маркаларининг кўшилиши бурғулаш эритмасининг стабиллигини ошириши, унинг фильтрацион, реологик ва физик-механик хоссаларининг яхшиланишига олиб келишини кўрсатиб берган.

5. Павловния дарахти целлюлозаси ҳамда крахмалларнинг карбоксиметилли ҳосилаларидан айрим саноат тармоқлари учун композицион материаллар ва кам тоннажли органик бирикмалар олишнинг инновацион технологиси яратилди ҳамда ушбу стартап лойиҳа «ТОШКЕНТ ИННОВАЦИОН КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ»ни ишлаб чиқариш бўлимида кетма-кетлик асосида жорий этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.23/30.07.2022.К/Г. 150.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ «ТАШКЕНТСКОМ ИННОВАЦИОННО-
ХИМИКО- ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ»**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИННОВАЦИОННО-ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КАРИМОВА КАМОЛАХОН БАХОДИРОВНА

**СОЗДАНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ТЕХНОЛОГИИ И ПОЛУЧЕНИЯ
КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ И МАЛОТОННАЖНЫХ
ОРГАНИЧЕСКИХ СОЕДИНЕНИЙ ДЛЯ РЯДА ОТРАСЛЕЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ ИЗ ЦЕЛЛЮЛОЗЫ ДЕРЕВА ПАВЛОВНИИ И
КАРБОКСИМЕТИЛПРОИЗВОДНЫХ КРАХМАЛОВ**

02.00.14 – Технология органических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.2.PhD/T561

Диссертация выполнена в Ташкентском инновационно-химико-технологическом научно-исследовательском институте

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tertsu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:	Муродов Музаффар Мурадович доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич доктор технических наук, профессор Холикова Севара Джасуровна кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Термезский Государственный Университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2023 года в __ часов на заседании Учёного совета PhD.23/30.07.2022.К/Т.150.01 при Ташкентском инновационном химическо-технологическом научно-исследовательском институте (Адрес: 100104, г. Ташкент, ул. Бешкургон, 10. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71, e-mail::tiktitim@gmail.com)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского инновационного химическо-технологического научно-исследовательского института (зарегистрирована за № ____). Адрес: 100104, г. Ташкент, ул. Бешкургон, 10. Тел.: (99890)317-72-77, факс:(99895)515-77-71 , e-mail::tiktitim@gmail.com

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2023 года.
(протокол реестра рассылки № _____ от «__» _____ 2023 г.).

С. Машарипов

Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.т.н., проф.

Юсупова Н.Ф.

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней, к.т.н., доц.

Сиддиков А.С.

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению учёной
степени, д.т.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ аннотация диссертации доктора философии (PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире с каждым днем возрастает потребность в органических веществах и модифицированных композиционных полимерных материалах на их основе. В настоящее время доля органических веществ и продуктов на их основе в качестве основного сырья стремительно увеличивается в различных отраслях промышленности, в том числе в фармацевтике, парфюмерии, пищевой промышленности, строительстве, нефтегазовой промышленности, горнорудной металлургии, разработке драгоценных руд, текстильной промышленности.

В мире ведутся научные исследования по получению пригодной для химической переработки целлюлозы из однолетних и многолетних растений, а также волокнистых отходов различных промышленных предприятий, синтезу ее новых производных и улучшению ее физико-химических свойств. В связи с этим особое внимание уделяется производству целлюлозы и органических веществ на ее основе, простых и сложных эфиров, производству модифицированных композиционных полимерных материалов, направленных на экспортно-импортозамещение, разработке технологий получения продуктов, устойчивых к воздействию органических растворителей.

В Республике в целях развития химической промышленности достигаются определенные научные и практические результаты по получению новых видов органических материалов, отвечающих современным требованиям, в частности ценных продуктов с комплексными свойствами на основе целлюлозы и ее эфиров. В этой области исследований достигнуты определенные результаты, в частности, приняты новые подходы, получены производные целлюлозы из однолетних и многолетних местных растений, а также волокнистых отходов различных промышленных предприятий. Поэтому принимаются масштабные меры по снабжению внутреннего рынка импортозамещающей отечественной продукцией. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи, направленные на «освоение производства совершенно новых видов продукции и технологий, обеспечивающих тем самым выпуск конкурентоспособной отечественной продукции на внешнем и внутреннем рынках». В связи с этим актуальна разработка технологии получения целлюлозы и ее производных, пригодных для химической переработки, на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Приказе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», №ПП-3479 от 17 января 2018 года «О мерах по обеспечению отраслей экономики нашей страны необходимой продукцией и сырьем», №ПП-3983 от 25 октября 2018 года «О мерах по опережающему развитию химической промышленности в Республике Узбекистан», №ПП -4265 от 03апреля 2019

года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также других нормативно-правовых актах, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII.«Химические технологии и нанотехнологии».

